# Кеч кирган пайтда ўқиладиган дуо




17:00 / 24.05.2022 6750

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«**Ким кеч кирган пайтда**:

رَضِيتُ بِاللهِ رَبًّا وَبِالإِسْلَامِ دِينًا وَبِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَبِيًّا

«**Розийту биллаҳи роббан ва бил Ислами дийнан ва би Муҳаммадин соллаллоҳу ъалайҳи васаллама набиййа», деса, Аллоҳ уни рози қилиши (**беражак неъматлари билан**) ҳақиқат бўлади**», дедилар.

**Маъноси:** *Аллоҳни раббим, Исломни диним, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни пайғамбар деб рози бўлдим.*
Бу ҳадисни Термизий заиф иснод билан ривоят қилганлар. Лекин Абу Довуд ва Насаийлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилган бир кишидан келтирган бошқа ривоят эса саҳиҳдир.